

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2004 йил, 12 август, пайшанба № 96 (1984).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН  
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 12 августа, 2004 г. № 96 (1984).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## Афина шаҳрида ўтказиладиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига

Азиз ўғил-қизларим!  
Муҳтарам спорт мураббийларим!

Аваламбор, сизларни, сиз орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа — Олимпия ўйинларида иштирок этиш баҳтига мунассар бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун икки юздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпия мусобақаларига йўл олмоқдасиз.

Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навиқрон қоматингизга, ғалаба иштиёқи билан қақнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч қимдан кам эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришадиган катта ғалабалар ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт

соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун жаҳон аҳлининг нигоҳи қадалган Афина шаҳрига — кескин ва ҳаяжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиадачиларимиз тимсолида ҳам ана шу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўриб турибмиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Олимпиадада нафақат ғолиб бўлиш, балки унда иштирок этишнинг ўзи ҳам катта бахт, деган фикрда тирамаъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тер тўкиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустаҳкам прода билан енгиб ўтганингизни минглаб мухлисларингиз, жамоатчилигимиз яхши билди.

Олимпиада — нафақат спорт беллашувлари, айни пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва jisмоний салоҳиятини кўрсатадиган

ўзига хос мезондир. Уйлайманки, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай муқаддас замин фарзандлари эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унутмай-сиз ва уларга муносиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончини оқлашга интиласиз. Сизларни мардона аждодаларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди, халқимизнинг меҳри ва умиди сизларга мадад ва қанот бағишлайди.

Сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намойён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шўхратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.

Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммангизни Ватанга, оилангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Омад ёр бўлсин, Олимпиадачилар!

Греция пойтахтида ўтажак XXVIII ёзги олимпия ўйинларида иштирок этадиган спортчилар ва мураббийлардан иборат Ўзбекистон делегацияси 10 август куни Афина шаҳрига жў-

наб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида бўлиб ўтган кузатиш маросимида ҳукумат аъзолари, спортчиларнинг ота-оналари, мураббийлар, жамоатчилик

ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг раиси Р. Қурбонов очди.

(Давоми 8-бетда.)

## Ўзбекистон байроғи кўтарилди

**АФИНА.** (ЎЗА махсус мухбири Зоҳир ТОШКУ-ЖАЕВ хабар қилади). Мамлакатимиз спорт делегацияси Греция пойтахтидаги Олимпия шаҳарчасига жойлашди.

— Барчангиз Афина мезбонлик қилаётган Олимпиада ўйинларига хуш келиб-сиз! — деди Олимпия шаҳарчаси мэри Жон Манош иштирокчи давлатлар байроқларини кўтаришга ба-

ғишланган тантанали маросимда.

Кўплаб мамлакатларнинг Миллий Олимпия қўмиталари вакиллари иштирок этган мазкур маросимда Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, байроғи кўтарилди.

— Бундай ҳаяжонли маросимда биринчи бор қатнашимиз, — дейди миллий жамоамиз аъзоси, боксчи Уткир Ҳайдаров. — Мадҳиямиз янграб, байроғимиз

кўтарилганида, қувонгимдан жуда тўлқинланиб кетдим. Олимпия ўйинлари давомида мен эришган ғалаба шарафига ҳам давлатимиз мадҳияси яна бир бор янграгани, миллий байроғимиз яна сарбаланд бўлишини ният қилдим.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азиз-хўжаев иштирок этди.

(ЎЗА).

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш раиси Р. Шоғуломов бошқарган йиғилишда ёшларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги фаоллигини, огоҳлик ва ҳушёрлигини янада ошириш ҳамда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилигини камайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ёшлар ўртасида жиноятчилигини камайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда йиғит-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Бу борада Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва бошқа давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара бераётир. Бу борада-

ги ютуқ ва муаммоларни ўрганиш мақсадида Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахт ёшлар ташкилотлари фаолияти таҳлил этилди.

Шу билан бирга, йиғилишда мавжуд камчилик ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди. Юрт тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш учун курашда ёшлар ташкилотлари фаол ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланди.

(ЎЗА).

● В МИНИСТЕРСТВЕ ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

## ПРИЗЫВ — ЗАБОТА ОБЩАЯ

На днях состоялось совместное заседание Военной коллегии Министерства обороны и коллегии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, на котором были обсуждены итоги весеннего призыва на военную службу весной 2004 года и меры по улучшению качества комплектования Вооруженных Сил молодым пополнением.

Были приглашены заместители Министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан, заместители Министра и ответственные работники Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и Республики Каракалпакстан. В совместной работе коллегий приняли участие командующие войсками военных округов и их заместители по воспитательной работе, заместители хо-

кимов областей — председатели призывных комиссий, начальники управлений по делам обороны областей и старшие врачи призывных медицинских комиссий Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента.

Совместное заседание началось с обращения к участникам председателя Военной коллегии — Министра обороны Республики Узбекистан К. Гуламова и председателя коллегии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан Ф. Назирова.

Министр обороны обратил внимание присутствующих на то, что независимый Узбекистан и его общество находится в стадии реформирования. Процесс этот сложный, и вопрос обеспечения безопасности народа и государ-

(Окончание на 2-й стр.)

## ● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Қуролли Кучлар сафида ўз масъулиятли бурчини адо этаётган ҳар бир ҳарбий хизматчи бирор соҳага меҳр қўйиб, ўша жабҳада етуқ мутахассис бўлишга астойдил интилади. Наманган вилоятининг Минбулоқ туманида туғилиб ўсган оддий аскар Хусан Нурматов ана шундай тиришқоқ ҳарбийлардан. У гранатомётчил ик соҳасида пухта билимга эга бўлса-да, бироқ юксак марраларни забт этиш учун ҳамон изланишда.

Александр МРУЧАК олган сурат.

## ● УҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА

### Кучимизга куч қўшилмоқда

Катта лейтенант Нодир Жўраев командирлигидаги мотоўқчилар взводи посбонлари ёзги ўқув мавсуми машғулотларида сафдошларга исбатан анча фаол қатнашмоқдалар. Бунинг эса ўзига хос сабаблари бор. Ҳарбий жамоа аъзолари ўтган снов-имтиҳонларда анча юқори натижаларни қўлга киритиш учун жиддий ҳаракат қилган бўлсаларда, майдан-чуйда хато ва камчиликлар йиғилиб, умумий баҳонинг пасайишига олиб келган. Тўғри, мотоўқчилар қўлоқлар сафидан жой олишгани йўқ. Лекин, «илғор жамоа» деган атама ҳам улардан анча йироқлашиб кетди.

Айни ҳолат шахсий таркибининг руҳиятига, исзатнафсига таъсир этмасдан қолмади. Катта лейтенант Нодир Жўраев ўқув мавсумининг илк кунларидапоқ машғулотлар сифатига, взвод шахсий таркибининг ўзаро уюшқоқлигига алоҳида эътибор қаратди. У бошчилигида камчиликлар диққат билан ўрганиб чиқилди, алоҳида режалар тузилди. Офицерлар жангчиларнинг тартиб-интизомини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаландилар. Сержантлар, оддий аскарлар билан ўткази-

(Давоми 2-бетда).

# ПРИЗЫВ — ЗАБОТА ОБЩАЯ

(Окончание.  
Начало на 1-й стр.)

ства занимает в нем не последнее место. Страна должна иметь надежные Вооруженные Силы, укомплектованные крепкими и здоровыми молодыми гражданами. Имеющийся призывной контингент позволяет сегодня призывать на срочную службу в Вооруженные Силы сравнительно небольшую часть подлежащих призыву юношей. На призывных комиссиях юноши проходят конкурс на право отслужить срочную службу в армии. Патристический настрой молодежи очень силен, нам есть из кого выбирать. Задача этого заседания — не отчитаться о проделанной работе, а тщательно проанализировать итоги весеннего призыва, сделать соответствующие выводы и наметить задачи по организации и успешному проведению осеннего призыва.

— В Узбекистане создана хорошая база по сохранению здоровья допризывников и призывников, — сказал Министр здравоохранения Ф. Назиров. — Двести две медицинские комиссии, четырнадцать постоянно действующих и 13 альтернативных занимаются отбором для службы в войсках юношей, состояние здоровья которых должно полностью соответствовать предъявляемым к будущему солдату требованиям. Однако, как показывают итоги весеннего призыва, в их работе еще имеются недостатки. Сегодня у нас есть возможность совместно обсудить проблемы и наметить пути их успешного решения.

Участники заседания заслушали доклад заместителя Министра обороны по воспитательной работе полковника М. Ахмедова, в котором был дан подробный анализ проведенной воспитательной работы в ходе весеннего призыва 2004 года.

Докладчик остановился на отдельных конкретных случаях недоработки управления по делам обороны и призывных комиссий, указал на недопустимость их повторения в ходе осеннего призыва.

В своем докладе заместитель Министра здравоохранения М. Ходжибеков рассказал об итогах работы призывных медицинских комиссий, довел до присутствующих основные результаты медицинского освидетельствования юношей весеннего призыва 2004 года и о принимаемых мерах по совершенствованию оказания медицинской помощи допризывной и призывной молодежи.

— Восемнадцать лечебных учреждений, двести сорок подростковых кабинетов, семьсот семьдесят два врача занимаются сегодня в республике вопросами оздоровления допризывной и призывной молодежи, — сказал он. — В этом году на дооснащение медицинских комиссий необходимыми инструментами и оборудованием выделено двести пятьдесят девять миллионов сумов. 1754 врача привлекаются к работе призывных медицинских комиссий. Однако ошибки в их работе, хоть и редко, но происходят.

Для того чтобы избежать досадных ошибок в ходе осеннего призыва, необходимо укрепить высококвалифицированными кадрами подростковую службу, улучшить условия труда работающих в ме-

дицинских комиссиях врачей, проводить освидетельствование призывников в полном объеме. И, конечно, регулярно проводить обучение врачей, создавать условия для повышения ими своего профессионального уровня.

ВРИД начальника Медицинского управления Министерства обороны Республики Узбекистан полковник Р. Заллетдинов сделал подробный анализ весеннего призыва 2004 года по состоянию здоровья, а также наиболее характерных недостатков в работе областных призывных медицинских комиссий за последние несколько лет.

— Сокращение срока воинской службы в ходе проводимой в Вооруженных Силах реформы, — отметил полковник Р. Заллетдинов, — приводит к необходимости в более короткий срок овладеть воинской специальностью. Сегодня нагрузки на солдата срочной службы очень велики. Отсюда и возрастающие требования к состоянию его здоровья. Вместе с тем нельзя забывать и о том, что и не прошедший срочную службу юноша сегодня имеет возможность отслужить в мобилизационно-призывном резерве. В резерве Вооруженных Сил тоже должны находиться здоровые молодые люди.

Для повышения качества медицинского освидетельствования необходимо прежде всего ставить вопрос о личной ответственности всех должностных лиц за свой участок работы, обеспечивать медицинские комиссии самым современным оборудованием, улучшить условия работы врачей. И, конечно, проводить профилактическую работу с подростками с целью оздоровления их к моменту призыва в Вооруженные Силы.

В выступлениях заместителя хокима Андижанской области — председателя областной призывной комиссии Ш. Ибрагимова и заместителя хокима Джизакской области — председателя областной призывной комиссии С. Субханкулова было сказано об итогах призыва граждан на срочную военную службу, альтернативную службу и на службу в мобилизационном призывном резерве весной 2004 года, а также о задачах областных призывных комиссий по организации и проведению призыва граждан осенью 2004 года.

Заместитель командующего войсками Восточного военного округа по воспитательной работе подполковник Р. Нодиров остановился на основных вопросах организации и проведения призыва граждан на срочную военную службу, альтернативную службу и на службу в мобилизационном призывном резерве.

О работе медицинских комиссий и путях дальнейшего улучшения медицинского освидетельствования призывников участникам совместной коллегии рассказали заместители начальника управления здравоохранения Ферганской области М. Абдурахманов и старший врач областной призывной медицинской комиссии Бухарской области Ю. Юлдашев.

По итогам обсуждения докладов и внесенных в ходе выступлений предложений было принято развернутое Постановление заседания коллегии Министерства обороны и Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

Подполковник  
Владимир КАЛОШИН.

● ДАЛА  
МАШГУЛОТЛАРИДАН  
ДАРАКЛАР

## Биз аълочи бўламиз

Мотоўчи посбонлар — оддий аскарлар Маъмуржон Рахматов, Ахрор Сафаров ва Фарход Расуловлар ёзги ўқув мавсуми давомида яхши натижаларга эришишмоқда. Утган ойда эса улар барча ҳарбий тайёргарликлар бўйича фақат аъло баҳо олишга муяссар бўлишди. Бу натижалар Ватап ҳимоячиларининг тиришқоқ ва ҳаракатчанлиги самараси, албатта.

Бугунги кунда юқоридатила олинган сафдош аскарлар умумхалқ байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 13 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилишган. Яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машгулотлари бунга далилдир: оддий аскарлар — М. Рахматов, А. Сафаров ва Ф. Расулов командири қўйган ҳамма ўқув-жанговар вазифаларни аъло даражада бажаришди.

— Биз бундан кейин ҳам барча ҳарбий тайёргарликлар бўйича фақат аъло натижаларга кўрсатамиз, — дейди оддий аскар А. Сафаров ўз сафдошлари номидан.

Бу посбонлар ҳақиқий Ватап ҳимоячилари бўлишига биз ишонамиз. Улар бунга ёзги ўқув мавсуми давомида исботлаб келишмоқда.

Майор  
Хайридин ЗАНИЛОВ,  
«Ватанпарвар» мухбири.

## ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

Ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал даражаси, доимий жисмоний ҳамда жанговар шайлигини таъминлашда турли мусобақа ва тадбирларнинг ўрни беқиёс. Бу борада Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабидан анчайин ибратли ишлар йўлга қўйилган.

— Ҳар ҳафта мактаб миқёсида узоққа югуриш мусобақаси ташкил этилади, — дейди мактаб таркибидаги взводлардан бирининг тарбиявий ишлар бўйича командири ўринбосари катта лейтенант Хусниддин Мирзақулов.

— Бундан ташқари взводлараро «Қўвнок билимдонлар», КВН ўйинлари ташкил этилиб, саралаб олинган билимдонлар округ миқёсига чиқишади. Ҳарбийлар доимий тайёргарлик машқулотларидан ташқари маданий-маърифий соҳаларда ҳам асло бошқалардан кам эмас.

Лейтенант  
Ёшн ХАКИМОВ,  
«Ватанпарвар» мухбири.

## Кучимизга куч қўшилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

ладиган ўқув машгулотлари раҳбарлари сифатида шубҳасиз взвод, шунингдек, барча гуруҳлар командири ҳам жонбозлик кўрсатишди. Айниқса, взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Шерзод Шаропов, гуруҳ командири Аҳмаджон Билолов каби офицерлар таълим-тарбия жараёнида эришган ютуқлари эътиборга лойиқ бўлди. Шунингдек, кичик сержантлар — гуруҳ командирининг ўринбосари Обиджон Арамов, секция командири Санжар Вансов, мерган Нодир Отақуловлар ҳам умумий мақсад йўлида бор билим ва кучларини ишга солишди. Уларнинг куйинчақликлари тўғрисида шу йил баҳорда хизмат бошлаган Шўрат Йўлдошев, Аброр Аҳмедов, Шавкат Боймирзаев, Ойбек Алимардонов каби оддий аскарлар бугун аъло хизматлари, натижалари билан командирларни мамнун этишмоқда.

Шуни қувонарлики, бугунги кунда взвод посбонлари орасида қолоқлар сон тубдан камайди. Ижтимоий-сиёсий, тактик, ўқ отиш, техник ва бошқа тайёргарликлар бўйича «4» ва «5» баҳолар қўлга киритилмоқда. Жисмоний тайёргарлик даражаси ҳам кўнгилдагидек 3 километрга югуришда кўпчилиги аскарлар энг юқори натижаларни кўрсатмоқдалар. Взвод шахсий таркибининг ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлигидан, яна илгорлар сафидан жой олиш учун қатъий ҳаракат қила-

ётганларидан айниқса батальон командири капитан Энвер Маждов ҳам жуда мамнун.

— Сержантларимиз, оддий аскарларимизни янги ютуқлар сари илҳомлантиришда, уларнинг ўз кучига, имкониятларига ишончини ортиришда ютуқ ва камчиликлариимизни, посбоннинг имкониятларини ошқора таҳлил этганимиз яқиндан ёрдам берди, — дейди взвод командири катта лейтенант Нодир Жўраев. — Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машгулотларида, ўзаро суҳбатларда, баҳс-мунозараларда ҳар бир жангчининг жамоада тутган ўрнига, юрт ҳимоячиси эга бўлиши шарт бўлган муҳим ҳислатларга алоҳида эътибор қаратдик. Бугун барча мотоўқчилар шу юрт, мустақиллик тақдирини, ҳарбий қисм, жамоанинг шаъни, обрўсини учун ҳар биримиз масъулмиз, деган фикр билан хизмат қилмоқдалар. Мен шунини эътибор билан айта оламаники, взводимиз жангчилари Мустақиллик байрамининг 13 йиллигини янада юнсақ натижалар, кўтаришқа кайфият, фахр ва ифтихор туйғуси билан қарши оладилар. Уларнинг кундалик хизмат фаолиятларидаги ижобий ўзгаришларга, иштиёққа мен бевосита гувоҳман. Шундай экан, ҳарбий жамоамизнинг кўзги синон-имтиҳонларда яна илгорлар сафидан жой олишга барча асос бор. Бу кунларни барчамиз орзиқиб кутмоқдамиз.

Майор Азимбек УСМОНОВ,  
«Ватанпарвар» мухбири.



Гуруҳ командирининг ўринбосари шартнома бўйича хизмат сержанти Пардабой Тўйчиев ўзи ва қўл остидагиларга нисбатан жуда талабчан.

Александр МРУЧАК олган сурат.

## Амалий машгулотлар жуда муҳим

Дарҳақиқат, олий ўқув юртларида ва умуман, ўқув масканларида бериладиган назарий билимлар амалий машгулотлар билан мустаҳкамланади. Ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир тажриба айнан амалиётда ортирилади. Шундай экан, ҳар қандай касб-корни эгалламоқчи бўлаётган ўғил-қизлар ўқиб муддати мобайнида юқоридега айтиб ўтилган жараёни бошдан кечиршади. Бу борада Қуролли Кучларимиз сафларига офицер кадрларни етиштириб бераётган ҳарбий билим юртларимиздан бири бўлмиш Тошкент олий умумқўшини қўмондонлиги билим юрти курсантларининг фикрларини билан мақсадида уларнинг бир нечтаси билан суҳбатладим.

— Биз, — дейди курсант Отабек Ғофуров, — муайян

дарсларда етарлича назарий билимлар олгач, дала-ўқув машгулотларига чиқамиз. У ерда тактик, ўқ отиш, жанговар техникани бошқариш каби машгулотларда келажакда жуда зарур бўлувчи амалий кўникмалар ортирамиз. Шахсан мен жанговар техникани жуда қизиқаман. Дала-ўқув машгулотлари эса мен учун айна муддао.

— Биринчи навбатда бўлғуси офицер, кичик бўлса ҳам-ки, жамоанинг бошлиғи бўлишни унутмаслигимиз лозим, — дея суҳбатимизга қўшилди курсант Даврон Абдуллаев. — Шундай экан, қисқа муддат ичида бўлсада, ўзимизни командир сифатида ҳис этишимиз, шахсий таркибга эга бўлишимиз, ёш аскарлар билан бевосита ишлашимиз аниқ. Менимча, бу каби машгулотлар курсантлик давримизда қанча

кўп ўтказилса, шунча фойдали.

Маълумки, ҳарбий билим юртини тамомлаган ҳар бир курсант вақти келиб янги ҳарбий жамоага ўз офицерлик фаолиятини бошлайди. Албатта, янги муҳит, шартшароитга тезда кўникиб кетиш, мослашишда ёш командирдан кўп нарса талаб этилиши, шунингдек, ортирилган билим ва тажрибалари жуда асқотиши турган гап. Демак, юқоридега суҳбатдошларим келтириб ўтган фикрлар ўринли. Zero, олинган билимларнинг амалий машгулотлар билан мустаҳкамлашни касбини имкон қадар мукаммал эгаллашга элтувчи омиллардан ҳисобланади.

Нигора АКБАРОВА,  
Халқаро журналистика  
факультети талабаси.

АЭС ҲАЛОКАТИ

Япония атом электр станцияларида бирда ҳалокат содир бўлди. Фукуя префектурасидаги Микама станциясида буғ ичиб кетиши оқибатида 5 киши ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг маълум қилишича, ҳалокат вақтида радиация сиғими чикмаган. РАТА—ТАСС ахборот

электр энергияси ишлаб чиқариш тўхатилганини маълум қилди.

Айни пайтда ҳалокат сабаблари урганилмоқда. Мамлакат полицияси, Япония тарихидаги энг хавфли ҳалокатлардан бири сифатида баҳоланаётган бу воқеага ходимларнинг бепарволиги сабаб бўлган, деган фикрда.

АЭСни бошқарувчи «Найс» ДЭНРОКУ» электр компанияси ҳозир бу ерда

Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Парс» ва «Холлидей» меҳмонхоналарида портлаш содир этилди. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, икки жойдаги портлаш деярли бир вақтда юз берган. Оқибатда икки киши ҳаётдан кўз юмган. Ундан ортиқ одам оғир тан жароҳати олган. Уларнинг асари яхши хорижий фуқаролардир.

Шаҳар полицияси ушбу воқеани террорчилик ҳаракати сифатида баҳоламоқда. «Парс» меҳмонхонаси ходимининг таъкидлашича, кўнгилсиз воқеадан ўн да-

маҳкамаси хабарларига қараганда, буғ учинчи ядронинг реакторининг даъвогар бўлишига сиғиб кирган. Буна бугун совуқдагидан сувнинг етишмагани сабаб бўлган. Бунинг ҳарорати 270 даражага етган.

Террорчилик тинчимаяпти

Қишда олдин номаълум шахс бу ерга кўнгириқ қилиб, хоналарини бериб портлаш модда уратилганини маълум қилган. Аммо, ҳалокатнинг олдин олиннинг имкони бўлмади.

«Парс» меҳмонхонаси Ав София масжиди яқинида жойлашган. Портлаш вақтида масжидда қирққа яқин одам бўлган. Савдо зоналарида бирда жойлашган «Холлидей» меҳмонхонасида эса асосан МДХ мамлакатларида келган сайёҳлар яшайди.

Покстоннинг Карачи шаҳрида ҳам портлаш содир этилди. Воқеа ресто-ранда юз берди. Натигада 8 киши нурузон бўлди. Улар орасида 3 ёшли бола ҳам бор.

Президент Первез Мушарраф содир этилган жойнинг қорали ва айбдорлар ат-батта топилганини айтиди.

Бу сўнги икки-уч ой ичда Покстонда юз берган энг ирриқ террорчилик ҳаракати.

Ф. АРЗИЕВ, ҒЗА шарҳловчиси.

ИНТЕРНЕТ-МОЗАИКА

МАГИЧЕСКАЯ СИЛА СТОМАТОЛОГИИ

Бот уже более сотни лет в индийской поселок Филан становится паломники со всех концов света. Их объединяет желание избавиться от зубной боли. Местные жители утверждают, что в конце позапрошлого века в их поселке жил святой человек по имени Баба Будха Джи, который обладал уникальным даром исцеления от зубных болей.

«Его магические чары действуют и по сей день, поэтому никто в поселке и слыхом не слышал от зубной боли».

Жажущий избавления от недуга становится посредником между людьми и храмом сикхов и в течение часа громко повторяет слова мантры, обращенной к Баба

Будха Джи. После этого паломник просит избавиться его от зубных болей. Затем окружающие выдают семь камушков через голубую паломника и сами произносят мантру в честь святого. По окончании церемонии чужеземец должен немедленно покинуть поселок.

При этом, как пишет «Уикли Ворлд Ньюс», он не вправе оглядываться назад, разговаривать с прохожими или брать у них еду.

ЧЕЛОВЕК-СТАТУЯ

Человеком-статуей называют жителя Португалии Антониу Гомеша Сантуша. Он установил новый мировой рекорд: простоял без движения 20 часов 11 минут и 34 секунды. Уникальное достижение было зафиксировано в баре одной из дискотек Лиссабона. Четыре специальных калорифера обеспечивали постоянную температуру в помещении — 24 градуса тепла. Два масляных радиатора дополнительно располагали-

ТАКТИКА

лись с двух сторон от испытуемого, а в ногах у него находилась особая электро-сушилка, которая предназначалась для удаления циркуляции крови. На протяжении всего испытания жаренность только дышать и моргать.

За 20 часов стояния человек-статуя ни разу не справил нужду. Удивленным болельщикам Антониу объяснил, что воздержив-

ТУРТ ҚОЙДА

Бир кун Афанди ваъз қилди турб, деди.

— Одамлар, тиббиёт тўрт қойдаги тан олади ва қим-қи улгартириб қилса, у ҳеч қачон касал бўлмайд. Яъни, оёқларини доимо иссиқ, бошини эса совуқ тўтиб туриш зарур. Ҳаётда эшитиб бонинг ва ҳадеб ҳар нарсаларини ўйлаб, миллиончи чарчатавманг.

Охири Афанди бунга чидали олмади ва дераздан бошини чиқариб, деди: — Ҳ, қанақа галаги одамизлар, ахир! Нимага бахшашасиз? Балки бизнинг эшитимиз иккигадир. Бунисдан қириб, унисидан қириб кетган бўлишим мумкин-ку...

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Table with 2 columns: Channel (e.g., 7, 13, 17, 23) and Program Name/Time (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо»)

Main program schedule grid for August 16-22, 2004, listing channels (7, 13, 17, 23, 24, 25) and program titles (e.g., «Доброе утро», «Мирное небо», «Новости») with their respective times.

17 АВГУСТА

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 9.10 «Кусто командасининг сув ости саргуашлари»... 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar...

14.20 Интерфутбол. 16.10 «Бензоколлонка маликаси»... 17.20 «Луиза Фернандес»... 17.45 «Табриклаймиз - кутлаймиз»...

12.40 «Василий Лановой. Воспоминание о настоящем»... 13.10 «Женщины в любви»... 14.00 «Новости (с субтитрами)»...

9.30 «Хвостыте истории». 10.00 «Моя семья»... 11.00 «Дороги любви»... 12.00 «Третий лишний»...

22 АВГУСТА

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00 «Ахборот»... 8.35 «Камала»... 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан»...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00 «Ахборот»... 8.35 «Камала»... 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан»...

над вечным покоем. 15.40 Комедия «Стрелуха»... 17.00 Вечерние новости. 17.10 Фильм «Самородок»...

33.00 «Судья Дреда». 1.00 «Откройте, милиция!»... 1.30 «Козленок в молоке»... 5.25 Мультифильм...

11.00 «Дороги любви». 11.30 «Воспоминание о настоящем»... 12.00 «Женщины в любви»... 13.10 «Новости (с субтитрами)»...

14.20 «Хвостыте истории». 15.00 «Моя семья»... 16.00 «Дороги любви»... 17.00 «Третий лишний»...

18.00 «Василий Лановой. Воспоминание о настоящем»... 19.00 «Женщины в любви»... 20.00 «Новости (с субтитрами)»...

9.30 «Хвостыте истории». 10.00 «Моя семья»... 11.00 «Дороги любви»... 12.00 «Третий лишний»...

● ЕН ДАФТАРДАГИ ЕЗУВЛАР

### Фарзандларимизга ўғитлар

Учрашувларда бир саволини кўп беришарди:  
«Ўзингиз учун энг қимматли асар қайси?»  
Кўпинча ярим ҳазил билан жавоб қиламан:  
«Менинг иккита энг қимматли «асарим» бор: бири — ўғлим, бири — қизим!» Сизлар менга Худо берган энг бебаҳо бойликсиз... Шу боис, диққат билан эшитинг!  
Бир нарсани орзу қиламан.  
Бу дунёда мен қилган яхши ишлардан ақалли битта кўпроқ яхшилик қилсанг...  
Бу дунёда мен қилган хатолардан ақалли битта камроқ хато қилсанг...  
Ҳеч қачон Осмонга тулур-

ма! Осмон қаҳрли. Тулугинг юзинга сачрамайди. Аммо шу Ер сени кўксидан кўтариб юради!  
Емоннинг яхшиси бўлгандан яхшининг ёмони бўл. Емондан — ёмонлик юқади. Яхшидан — яхшилик.  
Рост гапир. Ростгўй одам жасур бўлади.  
Душманнингдан кўрқма, душманга айланган дўстингдан кўрқ. Душман билса битта ожиз томонингни билди. Душманга айланган дўст эса мингтасини...  
Кўлингдан келмайдиган ишга ваъда берма. Кўлингдан келадиган ишга ҳам ваъда берма.  
Кўлингдан келмайдиган

ишга ваъда берсанг, уятга қоласан. Кўлингдан келадиган ишни эса, ваъда бермадан бажарса ҳам бўлаверди...  
Ҳеч кимга ҳасад қилма. Ҳасадгўй ҳеч нимага эришолмайди. Фақат ўзгани ҳам, ўзини ҳам абгор қилади.  
Обрў топининг энг тўғри йўли камтарлик.  
Емонликка яхшилик билан жавоб берсанг, бир ҳисса савоб оласан. Яхшиликка ёмонлик билан жавоб берсанг, ўн ҳисса гуноҳга ботасан. Негаки, бу дунёда ёмонликка яхшилик қиладиганлардан кўра, яхшиликка ёмонлик қиладиганлар ўн ҳисса кўп.  
**У. ҲОШИМОВНИНГ**  
«Дафтар ҳошиясига биткилар» китобидан.

● ТУРФА ОЛАМ

### Шоҳ руҳи мададкор

Сиз шеър ўқишни ёқтирасизми? Унчалик эмас, шундай эмасми? Хитойлик 13 ёшли Ситар Доцзе эса ҳеч қандай қийинчиликсиз 6 соат давомида Шоҳ Гесар ҳақидаги қадимий эпосни айтиб бера олади. Асар 200 қисм ва 50 миллиондан ортиқ сўздан иборат! Бу машҳур эпосни эса хитойликлардан саноқлиларгина мукаммал ўрганганлар, ҳолос.  
Усмирнинг таъкидлашича, бу қобилият унга тушида жо бўлган: «Икки йил аввал галати силкинишдан уйғоғиб кетдим ва шу заҳотиёқ Гесарнинг мактабда ўқиган баъзи қисмларини ёдлашга тушдим».  
Бу бола билан нафақат халқ оғзаки ижоди билимдонлари, балки маҳаллий ҳокимият ҳам қизиқиб қолди. Масалан, маданият ишлари бўйича туман бошқармаси Ситарнинг чиқишини видеотасмага ёзиб олди. Унинг иқтидорини расмий тасдиқлаш учун бу видеотасма далил бўлиб хизмат қилади.  
Бироқ гесарология (узун эпослар билан шуғулланувчи фан) мутахассислари бу ҳодисага оддий назар билан қарамқадлар. «Болада илоҳий қобилият бўлиб, унга қадимий шоҳнинг руҳи мадад бўлган», — дейишмоқда.

З. ИСАҚОВА тайёрлади.

● ТЕЛЕАНОНС

### ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

22 август куни соат 10.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали Республика Мудофаа вазирлигининг ҳарбий студияси томонидан тайёрланган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сони эфирга узатилади.  
Унда Куролли Кучлар фаолиятида бўлиб ўтган муҳим маълумотлар, тadbирлар, ёзги ўқув мавсуми машғулотларидан лавҳалар, «168 соат янгликларини»

дала машғулотлари майдони — аскар академияси ва телетомошабинлар мактублари асосида тайёрланган «Ҳарбий почта» каби рухлар қатори анъанавий бошқа мавзулар намойиш этилади. Кўрсатув асосан, Ватан посбонлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.  
Кўрсатувнинг такрорий намойиши сешанба, 24 августда, соат 16.00 да эфирга узатилади.

Ўз мухбиримиз.

● ЭТО ИНТЕРЕСНО

### ПАМЯТНИК ЖИВОТНЫМ

На антарктической станции «Сева» находилась группа ученых и 15 ездовых собак. Когда пришло время сменить людей, из-за погодных условий работы свернули, но не смогли вывести собак. Когда об этом стало известно, в японской печати поднялась буря, осуждали полярников. Начался сбор средств для памятника собакам. И он был открыт. На мраморе было написано: «Пятнадцать лайкам, погибшим от голода в Антарктиде». Через год, когда новая партия зимовиков прибыла на станцию «Сева», их радостно, виляя хвостами, встретили две оставшиеся в живых собаки.

## Астрологический прогноз

**ОВЕН.** Может показаться, что события недели просто промелькнут перед глазами, не слишком сильно отразившись на судьбе. Не следует начинать новые дела, лучше завершить старые и подготовиться к неожиданностям. Возможны проверки. Стоит пустить в ход обаяние, обсуждая важные дела. К середине недели нагрузка уменьшится. Близкие потребуют пристального внимания.

**ТЕЛЕЦ.** Работа просто бегает с большим сачком. Не увернетесь вовремя, придется работать и за того парня. Вероятны заминки, задержки в делах. Станете нервничать. Призовите на помощь окружающих. Лучше ничего не откладывать на следующий день. Разверните деловую активность дома. Хвалите близких людей.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Ожидают разнообразные события, которые могут продвинуть по карьерной лестнице. Будьте внимательны, распределяя силы и время. Вполне вероятны недоразумения и конфликты. Ваши интересы могут расходиться с интересами партнеров. Проявив здравомыслие, достигнете желаемого компромисса.

**РАК.** Постарайтесь составить план действий и ориентироваться по нему. Проявите разумную осторожность, не давайте пищу для сплетен. В середине недели делам придется посвятить много сил и времени. Перегрузить себя не стоит. Доведите начатое дело до конца. Стоит выйти в светское общество.

**ЛЕВ.** Сможете похвастаться редкостным спокойствием, выдержкой, душевным равновесием. Хорошее время для решения непростых вопросов. Время располагает к началу реализации творческих идей и замыслов. Если придет идея, следует бросить все и приняться за ее реализацию. Придется посвятить много сил и времени организационным вопросам. Следите за собственной дисциплиной и постарайтесь не опаздывать. Какая-то старая запутанная ситуация займет мысли, вы найдете долговое решение.

**ДЕВА.** Умерьте свои амбиции. Будете слишком эмоциональны и несдержанны. Появится шанс сплотить вокруг себя друзей и единомышленников. Необходимо адекватно оценить сложившееся положение. Захочется избавиться от всего отжившего и начать все заново. Происходящее изменит родственные чувства, вы проникнетесь благодарностью.

**ВЕСЫ.** Планы могут су-

щественно измениться. Важными станут отношения с начальником или подчиненными. Новые знакомства могут перерасти в крепкую и надежную дружбу. Придется пожертвовать своими планами и амбициями в пользу коллег. Лучше воздержаться от активной деятельности. Сможете окончательно избавиться от иллюзий и заблуждений.

**СКОРПИОН.** Будете подобны волшебнику. Ваша задача — захотеть, остальное приложится. Возможны полезные встречи со старыми партнерами. На работу будете приходиться в отменном расположении духа и с хорошим запасом сил. Середина недели будет заполнена приятной суетой и хлопотами.


**СТРЕЛЕЦ.** Вероятны перемены, они повлияют на многие сферы жизни. Возможен переезд на новое место жительства. Хорошо разбирать ненужные вещи и выкидывать раздражающий хлам. Вы сразу почувствуете себя лучше. Будет везти в делах и общении, займите активную наступательную позицию. Возможно обновление обстановки в доме.

**КОЗЕРОГ.** Самое время навести порядок в своих мыслях и перестать желать чудесного исполнения невозможного. Захочется перемен, постарайтесь вовремя остановиться. Появится хороший шанс изменить свой социальный статус. Могут подвести необъективные представления о своих профессиональных качествах. Придется взять главную роль в семейных вопросах.

**ВОДОЛЕН.** Черпать силу можно будет исключительно из запасов. Окружающие будут настроены на редкость благожелательно, однако помогать никто не станет. Вас никто не хочет обидеть. Возможны неприятности, а виновной всему может оказаться ваша самонадеянность. Можете оказаться жертвой сплетен. В середине недели ждет полная загруженность на работе. Постарайтесь избежать споров, они могут перерасти в серьезные конфликты.

**РЫБЫ.** Будете склонны лезть из кожи вон, чтобы угождать окружающим людям. Середина недели — прекрасный момент для тех, кто честолюбив и хочет проявить себя на работе с лучшей стороны. Везение и обаяние позволят сгладить острые углы в различных ситуациях. Может посетить оригинальная идея, которую вы воплотите в ближайшем будущем. Проведите воскресенье в уединении или в максимально комфортной обстановке.

## КРОССВОРД



уменьшения трения в месте опоры вала. 18. Битва обывателей. 19. Специалист на подводной лодке. 20. Свобода, раздолье (син.). 21. Защищенное от попадания снарядов и бомб помещение в крепостях. 25. Удел шахматного тугодума. 26. Затанувшая злость от бессилия. 27. У братьев Стругацких есть повесть «... на обочине». 31. «Аэродром» посреди океана. 33. Самая колючая жена. 34. Герой свадебного застолья. 35. Черный пиджак с открытой грудью и длинными, общими шелком лацканами. 36. Гидротехническое сооружение.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Тетушка Тома Сойера. 2. Одежда купающегося. 3. Что собой представляет царский трон? 4. Кавказский житель. 7. Искусственно вызванное возбуждение. 8. Музыкант. 9. Русский писатель. 13. Круглая металлическая посуда для жаренья. 14. Драгоценный камень. 16. Небольшая перелетная певчая птица. 17. Всадник в кориде. 22. Французский «блатной». 23. День недели. 24. Любимый вид транспорта Джона Траволты. 28. Бурные рукоплескания. 29. Стареющая примадонна Голливуда. 30. Чертеж, изображающий устройство. 32. Время года.

Составила З. ИСАКОВА.

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 5. Одна из самых маленьких птиц. 6. Парень из гоголевских «Вечеров на хуторе близ Диканьки». 10. Известная во всем мире марна фарфора. 11. Религиозные бусы. 12. Медицинский инструмент. 15. Металлическая трубка, служащая для

**ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 93**  
**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 7. Факториал. 11. «Леон». 14. Март. 15. Разлука. 16. Калач. 17. Клерк. 21. Гимнаст. 22. Атос. 23. Укол. 26. Транспорт.  
**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 2. Крах. 3. Ирак. 8. Отель. 9. Молоковоз. 10. Галактика.

12. Фанатик. 13. Окулист. 19. Оникс. 24. Крап. 25. Крот.  
**ПО ДУГАМ ПО ЧАСОВОЙ СТРЕЛКЕ:** 1. Домкрат. 6. Тактика. 20. Теллица. 27. Надпись.  
**ПО ДУГАМ ПРОТИВ ЧАСОВОЙ СТРЕЛКИ:** 4. Коридор. 5. Идальго. 18. Олеандр. 28. Пустыня.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 10 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича

бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқола ва бошқа мажбурий туловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:


1 АҚШ доллари 1029,01  
1 евро 1263,73  
\*/Валюта қийматини белгилash чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Омад ёр бўлсин, Олимпиадачилар!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига табригини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди. Тадбирда мамлакатимиз

да Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётгани туфайли юрдошларимиз жаҳон спорт майдонларида юксак муваффақиятларга эришяётгани алоҳида таъкидланди. Афинада ўтажак Олимпиада ўйинларида ҳам вакилларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳи-



моя қилишларига шубҳа йўқ.

Спортчиларимизнинг Олимпиадада қўлга киритajak галабалари энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёми арафасида халқимизга муносиб туҳфа бўлади, деди стол теннис бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзоси Манзура Иноятова. Зеро, Олимпиададек нуфузли мусобақаларда иштирок этиш мамлакатимиз йигит-қизлари учун истиқлол берган улкан имкониятдир.


Афинада ўтажак ўйинларда икки юздан ортиқ мамлакатдан келган 16 мингдан зиёд иштирокчи спортнинг 28 тури бўйича беллашади. Ўзбекистоннинг етмишга яқин вакили 15 спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш. Мирзиёев иштирок этди. **Бобур СОБИРОВ,** УЗА мухбири.

● АССАЛОМ, ОЛИМПИАДА

## МАШЪАЛА КЎХНА АФИНАДА ПОРЛАЙДИ

Нихоят спорт ишқибозларининг 4 йил орзиқиб кутган дамлари яқинлашмоқда. Эртага кўхна Афинада 28-Олимпиада ўйинлари тантанали равишда очилади. Таъкидлаш жоизки, спорт доимо тинчлик элчиси бўлиб келган. Шу маънода олиб қарганда, Олимпиада ўйинларининг аҳамияти бетакрор. Нелинг, мақоламиз аввалида бу спорт байрамининг тарихига бир ситра кўз ташласан. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ilk Олимпиада ўйинлари тахминан милoddan олдинги 776 йилда ўтказилган. 394 йилга келиб Рим императори Феодосий Олимпиада ўйинларини тақиқлаган. Бу илтимой ҳаракатни тиклаш, давом эттириш йўлида бир қанча уринишлар бўлган. Бироқ ўрта асрларга хос бидъатлар, диний таълимотлар жисмоний тарбияни тақиқларди. Шу боис, олимпизм фақат инсонлар қалбида яшаб келди. Фақат бир ярим минг йилдан кейин олимпия ҳаракатини қайта тиклашга имкон туғилди. Бунинг ташкилотчиси Француз барони Пьер де-Кюбергендир. Унинг ташаббуси билан замонавий биринчи Олимпиада ўйинлари 1896 йилда Греция пойтахти Афинада бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, жаҳон урушлари даврида 3 бора ўйинлар ўтказилмаган. Афинада бўлиб ўтган замонавий биринчи Олимпиада ўйинида 43 та медаллар учун кураш олиб борилган бўлса, ҳозирда бу 300 дан зиёдни ташкил этади. Табиийки, бу ўйинларнинг низомига киритилган ўзгаришлар, мусобақалар ранг-баранглиги ортанлиги билан характерланади. Эътибор берган бўлсангиз, XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари яна ўз Ватанига қайтди. Олимпиада машъаласи яна кўхна Афинада порлайди.

Хўш, Олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз иштироки нечоғлик бўлган? Таъкидлаш жоизки, истиқлолга эришганимиздан кейингина бу борада салмоқли ўзгаришлар бўлди. Қиёслаш учун шунини айтиш мумкинки, мустақилликка 9 та Олимпиадада бор-йўғи 40 нафар ҳамюртимиз иштирок этишган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, 1992 йилда Барселонадаги Олимпиада ўйинларида МДХ терма жамоаси таркибида республикамиздан 17 нафар спортчи қатнашди. Мустақил жамоа сифатида мамлакатимиз вакиллари 1996 йилдан мазкур спорт байрамига қатнашиб келаяпти. 1992 йил 21 январда Миллий Олимпия қўмитамизга асос солинди. Ордан бир ярим йил ўтиб, халқаро Олимпия қўмитаси ва Миллий Олимпия қўмитала-



ри уюшмасига аъзо бўлди. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги, бу борада қилинаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ. Шу ўринда муштарийларимизга ҳарбий спортчиларимизнинг Олимпиада ўйинларидаги иштирокидан қисқача сўз очсан.

Ҳарбий спортчимиз Виктор Зайцев 1992 йилда Барселонада бўлиб ўтган Олимпиадада енгил атлетика бўйича иштирок этган. 1996 йилда XXVI Олимпиада ўйинларида боксчимиз Карим Тўлаганов бронза медалини қўлга киритган. Шунингдек, мазкур Олимпиадада Шўҳрат Аҳмедов, Григорий Пуляев, Шермухаммад Қўзиёев, Инна Исакова, Анатолий Тю-

рин каби спортчиларимиз ҳам муносиб қатнашишган. Тўрт йил муқаддам Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиадада Ўзбекистондан 78 спортчи иштирок этган бўлиб, улардан 29 нафари ҳарбий спортчилар эди. Бунда ҳарбий спортчи Рустам Саидов боксдан бронза медалини қўлга киритиб, юртга қайтган. Шунингдек, эркин курашда Дамир Захардинов, трамплиндан саиршад Екатерина Хилько тўртинчи ўринларни, дзюдода Алишер Мухторов, ўқ отиш спортида Дилшод Мухторовлар бешинчи ўринларни қўлга киритишганди. Хўш, 2000 йилда Сидней Олимпиадасида умумий натижаларимиз қандай бўлган эди? Ўзбекистон спортчилари 4 та медаль — битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза ме-

далларини қўлга киритишганди. Ўзбекистон байроғи остида мусобақага тушган спортчиларимиз Олимпиадада қатнашган 199 та мамлакат вакиллари ичида 41-ўринни эгаллашди. Агар бунини 1996 йил Атлантада бўлиб ўтган Олимпиададаги натижаларимиз билан қиёсла-сак, силжиш, ижобий ўзгариш бўлганлигини ҳис қиламиз. Негаки, Атлантада умумжамоа ҳисобида 58-ўрин насиб этганди-да.

13—29 август кунларида Афинада бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам спортчиларимизга омад тилаб, юртимизга медаллар шодаси билан қайтишни истаб қоламиз. Қўйида эса мазкур Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган армиячи

спортчиларимиз рўйхати билан танишасиз:

**Енгил атлетика:** Л. Перепелова, А. Журавлева, С. Войнов, О. Щукина, Э. Исаков.

**Эркин кураш:** Д. Захардинов (60 кг).

**Оғир атлетика:** И. Халилов.

**Бокс:** Т. Доннёр (51 кг), Б. Султонов (54 кг.), В. Хидиров (57 кг.), Д. Маҳмудов (64 кг.), Ш. Хусанов (69 кг.), Ш. Абдурахмонов (75 кг.).

**Ўқ отиш спорти:** В. Скоромнов, А. Аксёнова.

**Таэквандо:** М. Кайдашева (57 кг.), Н. Микрюкова (67 кг.).

**Байдарка ва каноэда эшак эшиш:** А. Бобожинов.

**Дзюдо:** Р. Саидов.

**Трамплин:** Е. Хилько.

**Майор Алижон САФАРОВ.**

Бош муҳаррир  
полковник  
Ирисмухаммад  
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.  
**АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:**  
Обуна бўлими — 56-03-46.  
Маълумот, реклама — 56-54-76.  
Факс (3712) — 56-07-80.  
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.  
«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.  
Адади 17840.  
Буюртма № 0256.